



## ПРЕЗИДЕНТ ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

Хитой Халқ Республикаси раисига йўлланган шошилинчномада Сицзан мухтор тумани, Шигацзе шаҳрида содир бўлган кучли zilзила натижасида қўллаб инсонларнинг ҳалок бўлгани ва жароҳатлангани ҳақидаги хабарни чуқур қайғу билан қабул қилганини маълум қилди. Бундан ташқари, Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистон халқи ва шахсан ўз номидан Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзиньпинга ва яқинларини йўқотганларнинг оила аъзоларига, шунингдек, дўст Хитой халқига ҳамдардлик билдирди ҳамда ҳалокатда жабрланганларнинг тезроқ соғайиб, оилалари бағрига қайтишини тилади.

Эслатиб ўтамиз, Сицзан мухтор туманининг Шигацзе шаҳри (Хитой жануби-ғарбий қисми)да содир бўлган 6,8 магнитудали zilзила оқибатида 126 киши ҳалок бўлди, 188 киши жароҳатланди

Akorda.kz. маълумотлари асосида.



## ҚИШКИ УНИВЕРСИАДАДА ИШТИРОК ЭТАДИГАН ҚОЗОҒИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ ТАРКИБИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Италиянинг Турин шаҳрида ўтадиган қишқи Универсиадада иштирок этадиган Қозоғистон терма жамоаси таркиби аниқланди.

Қозоғистон XXXII Бутунжаҳон қишқи Универсиадада иштирок этадиган терма жамоасини расман эълон қилди. Бу ҳақда ҚР Маориф вазирлигининг “Миллий жисмоний тарбия илмий-амалий маркази” РДК хабар берди.

13-23 январь кунлари Италиянинг Турин шаҳрида қишқи Универсиадада ўтказилади.

Қозоғистонликлар спортнинг қатор турлари бўйича куч сынашадилар. Биатлон, шорт-трек, чанги пойғаси, фигурали учиб, ориентирлаш спорти, фристайл, тоғ чангиси, эркаклар ва хотин-қизлар хоккейи шулар жумласидандир. Шунингдек, пара чанги спорти мусобақаси илк бор мусобақалар дастурига киритилди. Қишқи Универсиадада мамлакат шарафини 103 нафар спортчи ҳимоя қилади.

Биатлон бўйича эркаклар терма жамоасида Вадим Қуралес, Владислав Киреев, Кирилл Бауэр, Ержанат Қуандиқ ва Никита Акимов, хотин-қизлар жамоасида Арина Крюкова, Айша Рақижеева, Милана Генева, Полина Егорова ва Алина Скрипкина иштирок этади.

Шорт-трекда эркаклар ўртасида Санжар Жанисов, Алишер Абулқатимов, Дамир Қурманов, Айбек Темирхан, Динмухамедалдиар Тажибай, Валерий Клименко, хотин-қизлар ўртасида Алина Ажғалиева, Яна Хан, Зейнеп Қумархан, Полина Омельчук, Анастасия Галечина ва Малика Ермек қатнашади.

Шунингдек, эркаклар ўртасида чанги пойғаси бўйича Святослав Матасов, Ернур Бексултан, Амиргали Муратбеков, Илияс Исабек, Нартай Турлибекули, Султан Базарбеков, хотин-қизлар ўртасида Анастасия Ротова, Лаура Кинибаева, Мария Герашченко, Елизавета Толмачева, Асем Жумағазиева, Алеся Бочкарева, фигурали учиб бўйича Михаил Шайдорев, Диас Жиренбаев, Никита Кривошеев ва Софья Самоделкина мамлакат шарафини ҳимоя қилади.

Ориентирлаш спорти бўйича эркаклар ўртасида Давид Сиволопов, Иван Биткин, Александр Фирсов, Никита Иост, Илья Таганашкин, хотин-қизлар ўртасида Ангелина Кузьмина, Евгения Завялова, Карина Бўранбаева, Ангелика Гарифова, Валерия Чупина, фристайл бўйича Анастасия Городова, Аяулим Амиренова, Антон Бондарев, Федор Бугаков, Максим Емельянов, Семен Русаков, тоғ чангиси бўйича Александра Скороходова ва Ксения Бережная чиқади.

Хоккей бўйича эркаклар ва хотин-қизлар жамоалари қишқи Универсиадада иштирок этади. Эркаклар жамоасида жами 24 нафар спортчи бор. Улар орасида Иван Гавриленко, Жалол-Ад-Дина Амирбеков, Абилайхан Сулейменов каби спортчилар бор. Хотин-қизлар ўртасида Альмира Ибрагимова, Карина Амирова, Регина Салтисова каби 22 нафар спортчи терма жамоа таркибига қатнашади. Пара чанги бўйича мусобақада мамлакат шарафини Денис Зинов ва Роман Қурбанов ҳимоя қилади.

Қайд этиш жоизки, 2025 йилги қишқи Универсиадада 57 давлатдан 2000га яқин спортчи талаба иштирок этади. Мусобақа дастурида спортнинг 11 тури бўйича 96та медаллар жамланмаса ўйнатилади.

FISU қоидаларига кўра, иштирокчилар 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган, рақобатчи мамлакат фуқаролари бўлиши ва олий таълим муассасасида тахсил олаётган ёки Универсиада бошланишига камида бир йил қолганда уни битирган бўлиши керак.

24.kz. маълумотлари асосида.

## ҚОЗОҒИСТОН – ЁШЛАР МАМЛАКАТИ



Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев ҳафта аввалида Астана шаҳридаги қатор ишлаб чиқариш корхоналари ва ижтимоий иншоотларни оралади.

Президент дастлаб Kazakhstan International School Astana (KIS Astana)га ташриф буюрди.

20 минг квадрат метрдан ортиқ майдонда жойлашган таълим муассасаси 800 нафар ўқувчи ва 120 нафар мактабгача ёшдаги болаларга мўлжалланган.

Ўқув хоналари замонавий технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, ҳар бир ўқувчининг билим олиши ва мулоқот кўникмаларини ривожлантириши учун қулай шарт-шароит яратилган. Мактабда, шунингдек, спорт инфратузилмаси, жумладан, футбол стадиони, теннис кортлари, мини-футбол майдони ва сузиш ҳавзаси мавжуд.

Давлат раҳбари Қозоғистонда таълим даражасини ошириш муҳимлигини таъкидлади. Хусусан, ёш авлоднинг рақобатбардошлигини ошириш ва ҳар томонлама камол топишида бундай таълим муассасаларининг ўрни алоҳида

эканлигига эътибор қаратди. Сўнг Юртбоши 1-сонли индустриявий минтақада жойлашган электровоз ишлаб чиқариш заводига ташриф буюрди. Завод Франциянинг Alstom компанияси томонидан индустриаллаштириш дастури доирасида ишга туширилган.

Давлат раҳбарига корхонада “Қазақстан темір жолы” миллий компанияси учун 380 юк ва 70 йўловчи электровози ва уларнинг бутловчи қисмлари ишлаб чиқарилиб, уларга хизмат кўрсатилаётгани маълум қилинди. Бундан ташқари, Озарбайжонга 80 секция юк электровозлари экспорт қилинди. Бугунги кунда заводда локомотив кузовлари, паст ва юқори кучлишлили трансформаторлар ишлаб чиқарилмоқда.

Давлат раҳбари электровоз йиғувчи корхона ёш мутахассислари билан учрашувда 2025 йил “Ишчи касблар йили” деб эълон қилинганини, ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бундан буён ҳам давом эттирилишини алоҳида таъкидлади.

Сўнг Президент Л. Гумилёв номидаги Евроосиё миллий университетининг Талабалар уйига ташриф буюрди

Бу ерда Давлат раҳбари Евроосиё миллий университети талабалари, магистрант ва докторантлари учун мўлжалланган 2656 ўринли янги ётоқхонани кўздан кечирди.

Фан ва олий таълим вазири Президентга талабаларни ётоқхона билан таъминлаш, мамлакатда хорижий олий таълим муассасаларининг филиалларини очиш орқали академик хаб яратиш чора-тадбирлари тўғрисида сўзлаб берди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев бу борада амалга оширилаётган иш-

ларни ижобий баҳолаб, таълим ва ёшлар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик муҳимлигига эътибор қаратди. У шунингдек, жамоатчиликни ташвишга солаётган металлургия соҳасидаги ҳақиқат ҳам фикр билдирди.

– Ҳозир ҳамма янги инфекция ҳақида гап тарқатмоқда. Менимча, бу ҳақда шов-шув кўтаришнинг ҳолати йўқ. Аксинча, Хитой билан ҳамкорликни янада ривожлантиришимиз зарур, – деди Давлат раҳбари.

Давлат раҳбари талабалар билан суҳбатда «Ана тілі» газетасига берган мусохабасида мамлакатда рақамлаштириш ва сунъий заковатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, илгор технологиялар ҳар бир соҳага жорий этилишини таъкидлади. Президент ёшларга алоҳида умид боғлашини билдирди.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

## ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА – АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ

УСТУВОРЛИК – САРМОЯ ЖАЛБ ЭТИШ,  
АГРОСАНОАТ ВА ИНФРАТУЗИЛМАНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛАДИ

Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров вилоят ҳокими девони, бошқарма раҳбарлари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокида йиғилиш ўтказди, унда галдаги вазифалар ва асосий иш йўналишлари муҳокама қилинди. Вилоят раҳбари минтақанинг долзарб муаммоларини ҳал этиш муҳимлигини таъкидлаб, амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирларни белгилаб берди.



– Мамлакат Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев иқтисодийни ранг-баранглаштириш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш, минтақаларни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишни таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берди. Ушбу вазифалар ижросини юксак савияда таъминлашимиз керак. Минтақани тараққий эттириш учун ишлаб чиқаришни ривожлантириш, сармоя жалб этиш, иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратамиз. Туман ва шаҳарлар ҳокимлари, бошқарма раҳбарлари зиммасига юкланган вазифаларни самарали бажаришлари, ижобий натижаларга эришишлари зарур. Бундан ташқари, агросаноат мажмуасини ривожлантириш, сувни тежовчи технологияларни жорий этиш, курғоқчиликка чидамли экинлар экишни кўпайтириш – давр талаби. Инфратузилмани яхшилаш ва қурилиш ишлари сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилади, – деди Нуралхан Кўшеров.

Йиғилишда минтақани ривожлантириш юзасидан барча соҳаларда тизимли ишларни давом эттириш йўллари муҳокама қилиниб, тегишли топшириқлар берилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

66

Қозоғистон ўзининг географик жойлашуви, иқтисодий салоҳияти ва ҳозирги геосиёсий ҳолатини инобатга олган ҳолда дунёнинг кўплаб давлатлари учун стратегик аҳамиятга молик давлат ҳисобланади. Биз билан дўстона муносабатлар ўрнатилган нафақат анъанавий ҳамкорларимиз, балки Африка қитъасидаги давлатлар ҳам манфаатдор. Бутун дунёда Қозоғистон ўрта даражадаги давлат ҳисобланди. Албатта, бу мақомнинг салмоғи ҳам оғир. Биз, аввало, халқаро майдонда ўз ҳаракатларимизга масъулият билан ёндашишимиз, замонавийнинг энг мураккаб масалаларига ҳолис нуқтаи назарга эга бўлишимиз керак. Шу боис Қозоғистон ҳамisha “бутун инсониятнинг умумий уйи”, ноёб ва умуминсоний тузилма ҳисобланган Бирлашган Миллатлар Ташкилотини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Қасим-Жўмарт ТҰҚАЕВнинг  
“Ана тілі” газетасига берган музохабасидан.

66

Қозоғистон Президенти кетма-кет иккинчи бор тақвим йилини матбуотга кенг кўламли, батафсил ва кўп қиррали музохабаси билан бошлади: 2024 йилда бу “Егемен Қазақстан”, 2025 йилда “Ана тілі” газеталари бўлди. Президент журналист билан бўлган музохабани “юртдошларимизга ўзига хос мурожаат” деб атади. Давлат раҳбари мамлакатимиз тараққиётнинг янги даврига дадил қадам қўяётгани ва ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз бераётганини таъкидлади.

Давлат хизматчиларининг Қозоғистон аталмиш улкан ва иноқ оиланинг ҳар бир аъзоси тинч ва фаровон ҳаёт кечериши учун зарур шарт-шароитлар яратиш йўлида тинимсиз изланаётгани айтилди.

Президент якунига етган 2024 йил гоёт мураккаб ва синовли йил бўлгани, ушбу даврда тўплаган тажрибамиз тараққиётга фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришиш мумкинлигини исботлаганини таъкидлади. Шу боис, пандемия, дунёдаги чуқур иқтисодий ва сиёсий инқирозлар, зиддиятларга қарамасдан, халқимизнинг қарамонларча меҳнати билан эришган айрим ютуқларимизга тўхталамиз.

Давлат раҳбари журналистнинг 33та саволига жавоб берар экан, нафақат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва ташқи сиёсий фаолиятини сарҳисоб қилди, балки кўплаб мунозарали мавзулар — мuddатидан олдин президентлик ва парламент сайловлари ўтказилиши эҳтимоли, тенгенинг кадрисизланиши ҳақида ҳам фикр билдирди. Январь воқеалари, АЭС қурилиши, сиёсий тизимнинг ўзгариши ва бошқа мавзулар кўтарилди.

Музохаба кенг муҳокама қилинмоқда. Мустиқил сиёсатшунос ва иқтисодчилар, турли тахлилий марказлар вакиллари, депутатлар, жамоат арбоблари фикр-мулоҳазаларини ўз тингловчилари билан фаол ўртоқлашмоқда.

Давлат раҳбари билан ўтган музохаба, аслида, мамлакат тараққиётининг аниқ йўналиши ва келгуси давр учун асосий ижтимоий-иқтисодий устувор вазифаларни белгилаб берди.

Бугун инсоният ниҳоятда мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Ер юзиде иқлимнинг кескин ўзгариши, сув ва бошқа табиий захиралар камайиши билан боғлиқ муаммолар катта хатарларга айланмоқда.

Халқаро муносабатларда ўзаро ишонч камайиб, қарама-қаршилик ва можароларнинг ортиси барқарорлик ва тараққиётга жиддий хавф солмоқда. Шунга қарамай, 2024 йилда Қозоғистон халқаро миқёсдаги қатор муҳим тадбирларда иштирок этиб, мамлакатнинг жаҳон миқёсдаги нуфузини юксалтириш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлари амалга оширди. Уларнинг айримларига қисқача тўхталамиз.

### ҚОЗОҒИСТОН 6та ТАШКИЛОТГА РАИСЛИК ҚИЛДИ

2024 йилда Қозоғистон олти халқаро ташкилотга раислик қилди. Мамлакат ҳеч қачон бир йилда бунчалик кўп ташкилотга раислик қилмаган эди. Хусусан, Қозоғистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Жамоавий хавфсизлик шартномаси ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, Туркий давлатлар ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси, Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича Ислот ташкилотига раислик қилди.

Қозоғистон раислиги доирасида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига Экология йили бошланди. Лойиха доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи ташкилотлари томонидан Бутунжаҳон атроф-муҳит кўни, Бутунжаҳон сув кўни, Халқаро биологик хилма-хиллик кўни, Бутунжаҳон ўрмонлар кўнига бағишланган тадбирлар ўтказилди. Ўтган йилнинг июнь ойида илк бор ШХТ саммити “ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилиши” ва “ШХТ+” йиғилиши шаклида Астана шаҳрида ўтди.

Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик доирасида “Шимолий Орол денгизини сақлаш” лойиҳасининг иккинчи босқичи бошланди, бунда асосий эътибор Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан самарали фойдаланиш, Орол денгизи ҳавзасидаги сув захираларини ҳисоблаш, бошқариш ва тақсимлаш учун автоматлаштирилган тизимни жорий этишга қаратилган.

ЖХШТ хавфсизлик соҳасида Қозоғистон манфаатдор давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, БМТ ва унинг тузилмалари билан ҳамкорлик даражасини сақлаб қолишга катта аҳамият беришни тақлиф қилди.

Қозоғистон озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича Ислот ташкилоти раиси сифатида озиқ-овқат тизими, транспорт ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш, озиқ-овқат етказиб беришнинг янги йўналишларини шакллантиришга, маҳсулотлар, сарможий ҳамкорлик ва гуманитар дастурларга алоҳида эътибор қаратиб, ташкилот фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ишлашни давом эттирди.

Мамлакат ТДТ раислиги туркий бирликини тарғиб қилиш мақсадида “Туркийлар даври!” ёки “Turktime!” шиори билан ўтди. Ташкилотга аъзо давлатлар Қозоғистон Президентининг Туркий сармоя жамғармасини яратиш гоёсини қўллаб-қувватлади ва ҳисса қўшишга келишиб олди.

### ҚОЗОҒИСТОН “ЎРТА ДАРАЖАДАГИ ДАВЛАТ”ГА АЙЛАНДИ

Жорий йилнинг февраль ойида Германиянинг нуфузли таҳлил маркази — Фан ва сиёсат жамғармаси “Ўрта даражадаги давлатлар — халқаро сиёсатнинг муҳим омиллари” номли мақолалар тўпламини чоп этди. Унда Қозоғистон илк бор ўрта даражадаги давлатлар қаторига кирди.

“Ўрта даражадаги давлатлар” атамаси одатда дунёвий сиёсий ва иқтисодий майдонда муҳим ўринга эга давлатлар дерак. Қозоғистон илк бор Туркия, Исроил ва Ҳиндистонни ўз ичига олган “Фан ва сиёсат жамғармаси”нинг ўрта даражадаги давлатлари рўйхатига киритилди. Ушбу ташкилотнинг Германия ҳукумати ва парламент билан ҳамкорлигини инобатга олсак, Европа Иттифоқи Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Қозоғистонга кўпроқ эътибор қаратаётганини кўриш мумкин.

Жамғарма экспертларининг фикрича, Қозоғистон Марказий Осиё давлатлари орасида ташқи сиёсати билан ажралиб туради. Бу уни минтақадаги асосий иштирокига айлантди. Тадқиқотчилар, шунингдек, Украина можароси Қозоғистонга ранг-баранглаштириш бўйича янги жўшқинлик берди, деб ҳисоблайди. Буни барпо этилаётган янги транспорт йўналишларига, қайта тикланадиган энергия манбаларига, қайта ишлаш саноатига сармоя жалб этиш юзасидан олиб борилаётган тадбирлар мисолида кўриш мумкин.

Мутахассислар Қозоғистон ўзининг ранг-баранглаштиришга интилишида нафақат Хитойнинг “Ипак йўли”га, балки Европа Иттифоқининг “Global Gateway” стратегиясига ҳам таянаётганини эътироф этишмоқда. Бу борада Қозоғистон “Шарқ ва Ғарб ўртасидаги кўприк” сифатидаги географик ва тарихий ўрнини янада мустаҳкамлайди.

### ХИТОЙДА ҚОЗОҒИСТОН САЙЁҲЛИГИ ЙИЛИ ЎТДИ

2024 йил Хитойда Қозоғистон сайёҳлиги йили бўлиб, мамлакатнинг йилки шаҳарларида 30дан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Хитойдан камида ярим миллион сайёҳни жалб этиш ва 300 миллион АҚШ доллари миқдорда сайёҳлик хизматлар экспорт қилиш режалаштирилган.

Йил давомида Қозоғистоннинг туристик хизматлари ва маҳсулотлари ITB China, ITE Hong Kong, COTTM ва China International Medical Tourism Fair каби тўртта сайёҳлик кўргазмасида

# ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ТИНЧЛИК ВА ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ



тарғиб қилинди. Кўргазмаларда иштирок этиш Қозоғистонга Хитойнинг етакчи туроператорлари билан 50дан ортиқ янги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатish имконини берди. Бугунги кунда уларнинг баъзилари Қозоғистонни ўз каталогларига киритган.

Хусусан, Алматы хитойликлар учун Қозоғистондаги энг машҳур сайёҳлик масканига айланди. Хитой Шанхай, Гонконг, Сиань ва пойтахт Пекинда туризм кунларини ўтказди. Бундан ташқари, замонавий Астана — Пекин саёҳти доирасида бизнес ва тиббий сайёҳликни янги йўналиш сифатида ривожлантириш тақлиф этилди.

Бундан ташқари, Астана, Пекин, Алматы, Урумчи ва Гонконгда Қозоғистонни сайёҳлик йўналиши сифатида самарали тарғиб қилиш мақсадида 300дан ортиқ икки томонлама учрашувлар ўтказилди. Пекинда қоқ халқининг бой маданиятини намойиш этувчи “Наврўзфест” этнофестивали, Урумчи шаҳрида гастротиваль ўтди.

Қозоғистонга ташриф буюрган хитойликлар сони ортди. Kazakh Tourism миллий компанияси маълумотларига кўра, жорий йилнинг 11 ойида бизга 605 мингдан ортиқ хитойлик сайёҳлар ташриф буюрган. Бу ўтган йилга нисбатан 65 фоизга кўп, яъни Хитой фуқароларининг Қозоғистон маданияти ва табиий меросига қизиқиши ортиб бормоқда.

2025 йил эса Қозоғистонда расман Хитой сайёҳлиги йили деб эълон қилинди. Бу икки томонлама муносабатларнинг юксак даражасини ифодалайди ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун янги имкониятдир.

Қозоғистон кўшинлари БМТ тинчликпарварлик ҳаракатларида иштирок этмоқда

Қозоғистон МДХ давлатлари орасида БМТдан мандат олган ягона давлат бўлиб, ташкилотнинг тинчликпарвар ҳаракатларида иштирок этиш уфларини доимий равишда кенгайтирмоқда. Мамлакат БМТнинг Непал, Кот-д’Ивуар ва Малидаги ҳаракатларига ҳарбий хизматчиларни йўлади. Тинчликпарварлар ҳозирда Ливан, Ғарбий Саҳрои Кабир, Марказий Африка Республикаси ва Конго Демократик Республикасидаги ҳаракатларида хизмат қилмоқда.

Йил бошида Парламент Президентининг Қозоғистон Республикаси Қурол Кучларининг тинчликпарвар контингентини БМТ ҳаракатларида иштирок этиш учун йўллаш тўғрисидаги асосий иштирокига айлантди. Шунга кўра, март ойида илк бор Қозоғистон контингенти: БМТнинг тинчликпарварлик ҳаракатларида иштирок этиш учун Голан тепалиқларига 139 нафар ҳарбий хизматчи, 26та қурол ва ҳарбий техника жўнатилди. У ерда Қозоғистондан борган ҳарбий ташкилот 1 йил хизмат қилади. Бу тарихий қадам мамлакат ҳамкорлик, тинчлик ва дунёвий хавфсизликни таъминлашга интилишини намойиш этди.

Қозоғистон тинчликпарвар кучлари ҳозирда хизмат қилаётган БМТ Голан тепалиқларида вазият барқарор деб баҳоланмоқда.

Қуролли Кучлардан жами 400 нафардан зиёд ҳарбий хизматчиларни турли ҳудудларга жўнатиш режалаштирилган. Сўнгги 20 йил ичида эса 600дан зиёд қозоғистонлик ҳарбий хизматчилар БМТнинг тинчликпарвар операцияларида хизмат қилган.

### ҚОЗОҒИСТОН ҚАЙСИ ДАВЛАТЛАРГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ КЎРСАТДИ?

Қозоғистон халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида қийин вазиятга тушиб қолган мамлакатларга доим ёрдам бериб келган. Ўтган йилнинг ўзидаёқ дунё бўйлаб жўнатилган гуманитар юклар шундан далолат беради. Гуманитар ёрдамнинг асосий қисми Марказий Осиёдаги қўшни давлатларга етказилди.

Март ойида Тожикистонга 2 миллиард 542 миллион тенге (5,65 миллион доллар) миқдорида гуманитар ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинган ва муҳим энергетика иншоотларининг барқарор фаолиятини таъминлаш учун 15 минг тонна мазут жўнатилди. Гуманитар юкларни етказиб бериш Қозоғистон халқаро тараққиёт агентлиги KazAID кўмагида амалга оширилди.

Бундан ташқари, Бишкек ИЭСдаги табиий офатни бартараф этишга кўмаклашиш учун давлат моддий захирасидан 2 минг тонна инсонпарварлик юки (дизель ёқилғиси) Қирғизистонга жўнатилди.

Июль ойида эса Қозоғистон Қирғизистондаги сув тошқинларидан жабрланганларга гуманитар ёрдам кўрсатди. 14 июль кунини Ўш шаҳри ва Ўш вилоятида вайронкор сел юз бериб, 5 киши ҳалок бўлди. Мади, Датқа ва Бош-Булоқ аҳоли манзилларида 642та уй-жой биноси, тўртта мактаб, битта болалар боғчаси, иккита шифохона, битта музей ва тиббиёт пункти сув остида қолган. Ўшда 146та уй-жой биноси ва болалар боғчаси зарар кўрган.

Таъкидлаш жоизки, Қозоғистон 2023-2025 йилларда Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистонга 310 миллиард тонна гуманитар ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

### ХАЛҚАРО НИЗОЛАР

Муқаддам Қозоғистон Республикаси Адлия вазирлиги Қозоғистон ваколатли органлари қайси ташкилотларни халқаро майдонда судга бераётгани ҳақида хабар берган эди. Ҳозирда Адлия вазирлигида 21та иш кўриб чиқилмоқда. Жумладан, “Big Sky Energy Corporation”, “World Wide Minerals”, “Alhambra”, “Alhambra II”, “Victoria Oil&Gas”, “Gold Pool”, “Е. Бела-вин Қозоғистонга қарши”, “As Window”, “Қашаган қони бўйича солиқ баҳси”, “Stati”, “Todini-3”, “Транспорт вазирлиги автомобиль йўллари кўмитаси F&A Road Construction (Фермак) Қозоғистонга қарши”, “Титан Қозоғистонга қарши” каби 13та иш халқаро арбитражда.

Яна 6та иш чет эл судларида кўриб чиқилмоқда: “АҚШдаги фуқаролик иши (Ф. Сатер)”, “Madima s.r.l.”, “Е. Амирханов Миллий хавфсизлик кўмитасига қарши”, “Л.Храпунова”, “Риал-Пром Групп”, “Aktau Petrof”.

Уларнинг 7 таси низола бўйича якунланиш босқичида ёки якунланган. Иккита иш судга қўйилган жараёнда. Адлия вазирлиги, шунингдек, Стати иши бўйича кўп йиллик можаро Қозоғистон томони учун муваффақиятли ҳал этилганини маълум қилди. Қозоғистон Ҳукумати, Қозоғистон Миллий банки ва Стати томонлар Tristan Oilнинг етакчи кредиторлари кўмаги ва келишуви билан Қозоғистондаги нефть ва газ активлари бўйича узоқ йиллик келишмовчиликни ҳал қилиш жараёнини якунлади. 80 миллион доллар Қозоғистон Миллий жамғармасига қайтарилди.

### ОЛИМПИА УЙИНИДА 43-ЎРИНДА

Тўрт йилда бир марта ўтказиладиган навбатдаги Олимпия уйинлари Франция пойтахтида ўтди. Шундай қилиб, Париж Олимпиадасида Қозоғистон терма жамоаси 1та олтин, 3та кумуш ва 3та бронза медали билан умумжамоа ҳисобида 43-ўринни эгаллади. Аввалги Токио Олимпиадасида мамлакат 83-ўринга тушиб кетган эди.

Олимпиаданинг биринчи кунинда дзюдо бўйича 60 килограмм вазн тоифасида Елдўс Сметов олтин медални кўлга киритди. Қозоғистон мустақилликка эришганидан буён дзюдо бўйича Олимпиада олтин медалини кўлга киритмаган. Аммо Рио Олимпиадасида кумуш, Токиода бронза медалини кўлга киритган Елдўс Париж уйинларида олтин медални кўлга киритди.

Кумуш медалларни спорт гимнастикаси бўйича Нариман Қурбанов, юнонур кураши бўйича 77 килограмм вазн тоифасида Демеу Жадираев, 80 килограмм вазн тоифасида бокс бўйича ўрт шарафини ҳимоя қилган Нурбек Юрдадй кўлга киритди.

### БУТУНЖАҲОН КЎЧМАНЧИЛАР УЙИНИДАГИ МЕЗБОНЛИК

Сентябрь ойида Қозоғистон V Бутунжаҳон кўчманчилар уйинларига мезбонлик қилди. Унда 90га яқин давлатдан 2500 нафарга яқин спортчи қарий бир ҳафта мобайнида кўчманчи халқларнинг анъанавий спорт тури бўйича 97та медаллар жамланмаси учун кураш олиб борди. Турнирнинг очилиш маросимини маҳаллий телеканаллардан ташқари дунёнинг 19 телеканали ҳам намойиш этди. Кўчманчилар уйинлари тарихида бундай кенг миқёсда халқаро телекўрсатувлар илк бор амалга оширилди.

Олти кун давом этган мусобақада терма жамоа спортчилари 43та олтин, 32та кумуш ва 37та бронза (жами 112та) медални кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Уйинларда жами 33 давлатдан келган спортчилар медаллар учун куч синашди. Мукофотга сазовор бўлган давлатлар орасида уммон ортидан вакиллар, жумладан, Канада ва Мексика ҳам бор.

Бу йилги V Бутунжаҳон кўчманчилар уйинларига янги спорт турлари киритилди, жумладан, Powerful Nomad мусобақаси ва бир қанча анъанавий заковат уйинлари. Пахлавонлар мусобақасида 1 давлатдан фақат 1 нафар спортчи иштирок эта олади. Янги қўшилган спорт турлари орасида “Мангала” ва “Овари” ҳам бор. Бу анъанавий уйинлар кўчманчи халқларнинг маданий мероси билан боғлиқ.

Қоқ кураши мусобақасида дунёнинг 44 давлатидан 294 нафар полвон куч синашди. Соринларни кўлга киритган давлатлар орасида қўшни давлатлар билан бир қаторда Европадан келган полвонлар ҳам бор. Хусусан, Италия, Польша, Венгрия, Нидерландия спортчилари медалларга сазовор бўлди. Кўпқари мусобақаларига энг кўп томошабин келди. “Қазанат” очоқарида ўтказилган ҳар икки мусобақанинг финал босқичини 10 минг муҳлис томоша қилди. Хорижликлар ҳам бу йилги “Кўчманчилар уйинлари” юқори савияда ўтганини эътироф этиб, ушбу мусобақа миқёсини янада кенгайтириш зарурлигини тақлиф қилишди.

А. АБДУФАТТОҲ.

## ҚИШЛОҚ РИВОЖЛАНСА – ЮРТ ФАРОВОН БЎЛАДИ

Яқинда пойтахтимизда Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаев иштирокида қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг биринчи анжумани ўтди. Тадбир минтақамиз учун ҳам ижобий ангилликларга бой бўлди.

Анжуманда Президент Қасим-Жумарт Тўқаев маъруза қилиб, ўтган даврда қишлоқ хўжалигида кўплаб ижобий ўзгаришлар юз берганини таъкидлади. Қозғоғистон экин майдони ҳамда яйловларнинг ҳажми жиҳатидан дунёда 6-ўринда турар экан. Биз ғалла экспорт қилувчи 10та йирик давлат таркибига кирамиз. Ун экспорти бўйича етакчи давлатлардан биримиз. Жорий йилги оғир об-ҳаво шароитларига қарамай, хирмонимиз донга тўлди. Кузги йиғим-терим мавсумида 26,7 млн. тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Бу – сўнгги 10 йилдаги рекорд кўрсаткичи.

Агросаноат мажмуаси ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Давлат раҳбари анжуманда устувор йўналишларга тўхталди. Уларнинг биринчиси – агросаноат мажмуасини субсидиялаштиришни тизимли олиб бориш. Қўкламги ва

кузги йиғим-терим ишларини вақтида субсидиялаш – мол озуқасининг кафолати. Йил сайин субсидияни кечиктириш туфайли хўжаликлар экин экишда кўплаб қийинчиликларни бошдан ўтказмоқда. Шу боис, Давлат раҳбарининг бевосита топшириғи билан баҳорги дала ишларига ажратиладиган имтиёзли насия жорий йилнинг декабрь ойдан бошлаб берилмоқда. Иккинчи йўналиш – агросаноат мажмуасини индустриаллаштиришни фаоллаштириш. Учинчидан, қишлоқ хўжалиги фанини тараққий эттириш. Президент таъкидлаган ушбу йўналиш улкан аҳамиятга эга.

Маълумки, йилки – қозоқ халқи учун етти хазинанинг бири. Қимиз турли дардга шифо. Сўнгги йилларда вилоятимизда йилки сони ортиб бормоқда. Йилқининг сони билан бирга сифатини ҳам ошириш – му-

ҳим вазифа. Жорий йил қозоқи йилқининг зотини сақлаш ва кўпайтиришга доир махсус қонун қабул қилинди. Анжуманда Президент Қ. Тўқаев Ҳукуматга йилқичилик институтини ташкил қилишни топширди.

Қишлоқ – олтин бешик. Халқимизнинг томири – овулда. Урф-одатларимиз, тилимиз ва анъаналаримизнинг барчаси қишлоқда сақланган. Сўзоқ тумани – аграр минтақа. Бу ерда чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги бирдек ривожланиб бормоқда. Саноати ҳам жадал ривожланиб келаётган ўлка. Анжуман мақолалари билан танишар эканман, йилдан-йилга фаровонлашаётган ҳаётимиз кўз ўнгимда гавдаланади. Агросаноат мажмуаси иқтисодиётнинг ҳаракатлантурувчи кучига айланишига ишончим комил.

Карибай АМЗЕУЛИ,  
меҳнат фахрийси.  
Сўзоқ тумани.

»»» Маънавий пойтахтдаги маънавият тадбири

## САИДНОСИР МИРЖАЛИЛОВНИНГ ЁРҚИН ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

МАЪРИФАТПАРВАР ҲОМИЙ, ҲАМЗА НОМЛИ МАКТАБ АСОСЧИСИ  
САИДНОСИР МИРЖАЛИЛОВ ТАВАЛЛУДИГА 140 ЙИЛ



Вилоят марказидаги обунада пешқадам, тажрибали устоз Дилбар Дийметова раҳбарлик қилаётган Ҳамза номли мактабда ўз даврининг таниқли маърифатпарвар ҳомийси, ушбу таълим даргоҳи асосчиси Саидносир Миржалилов таваллудининг 140 йиллигига бағишланган тадбир ўтди.

Тарих фани ўқитувчиси Рисолат Бобожонова ташаббус билан ўтган уч қисмдан иборат тадбирда вилоят оқсоқоллар кенгашидан Тўлқин Саидмуродов, нафақадаги ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари Тамара Қудратова, Сарвар Тўрабе-

Мактаб ҳовлисида тадбир мавзусига оид номалар битилган шарлар учирилди. Мажлислар залида давом этган тадбирнинг иккинчи қисмида ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари Раъно Исмоилова, Насиба Ғофурова ҳамда Расул Исетов номли мактаб ўқитувчиси Рустам Рашидовларнинг маърузалари тингланиб, лавҳалар намойиш этилди. Уқувчи ва устозлар иштирокида бадий мусиқий қисм ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

С. Миржалилов 1884 йили Туркистон шаҳрида туғилган маърифатпарвар, пахта заводи барпо этган тадбиркор

Миржалилов асос солган, бугунда 107 ёшдаги Ҳамза номли мактабнинг тарихи бошланган. (Айни пайтда бу иморатлар бузилиб, ўрнида замонавий бинолар қурилган). Саидносир Миржалилов Кумриёй Зарифбой қизи билан турмуш қуриб, фарзандлари Зулфия, Зарифа, Шарифа, Ғулиой, Ровза, Муборакларни тарбиялаб, зиёли инсонлар сифатида воғга етказишган. Иккинчи фарзанди Зарифа Саидносир қизи ўзбек адабиётининг йирик адиби Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг умр йўлдоши ҳамда хотин-қизлардан чиққан биринчи кимёгар олима бўлган.



коваларнинг устоз ҳақидаги хотиралари тингланди. Фаоллардан Ҳусан Убайдуллаев матбуотда эълон қилинган “Саидносир Миржалилов ҳақида нима биласиз?”, “Соғинч”, “Маърифат элчиси” каби мақола ва шеърларини ўқиб берди. Уқувчилар жонли мулоқот тарзида ташкил этилган савол-жавобда С. Миржалилов ҳаёти ва фаолияти ҳақида теран билимларини намойиш этишди.

бўлган. Жадидчилик ҳаракатининг асосчилари ва ҳомийларидан эди. 1914 йили ўз уйида, яъни, ҳозирги Ҳамза номли мактаб оқиб ўрнида эски мактаб очиб, болаларга савод улашган. Қозон шаҳридан ўқитувчилар, хусусан, Ўзбекистондан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийни муаллим сифатида таклиф қилиб, машгулотлар ўтказган. Октябрь инқилобидан сўнг 1918 йилдан бошлаб, С.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

»»» Маданий сиёсат концепцияси – 2023-2029

## САЙРАМ – ТУРКИСТОН ТАРИХИДА

(Давоми. Боши №154-155 сонларида).

«Туркларнинг (бир қисмини – Б. И.) исломни қабул қилишида катта рол ўйнаган Аҳмад Яссавий (айниқса, Темуристондан курдирилган ажайиб мақбара билан) турклар юртининг ҳомийси сифатида Ҳазрати Туркистон деб номланган, эҳтимол шаҳарнинг янги номи ҳам шу билан изоҳланар» (В. Бартольд, III, 520-б.).

Туркистоннинг шаҳар сифатида машҳур бўлиши, унинг ислом динини тарқатувчи таянч нуқталардан бирига айланиши Сайрамнинг шу ҳавзадаги мавқеи пасайишига олиб келгани йўқ. Сайрам ҳамон шу ҳавзанинг маркази мавқеини сақлаб қолди.

Темурийлар салтанати кучсизланиши билан боғлиқ ҳолда, ҳамда кўчманчи ўзбекларнинг кучайиши билан Туронда анча ўзгаришлар вужудга келди. «XV асрда Еттисувнинг аҳолиси кийими қисман ойратларга, қисман муслмонларга ўхшаш, ўтовларда яшаб гўшт ва қимиз билан овқатланадиган кўчманчилардан иборат бўлиб қолди» (В. Бартольд, ўша асар, 86-б.). Мана шу шароитда 1430 йилларда «Худойдоднинг учинчи ўғли Мир Ҳақберди Бекичак – Кўк суйда (Иссиқкўлдаги орол) истеҳком қуриб, қалмоқлар ҳужумидан ўз оиласини шу ерда беркитиб, ўзи Туркистон ва Сайрам шаҳарларига ҳужум уюштиради» (ўша асар, 87-б.).

Мўғулистон (Угедей улуси) Вайсхоннинг катта ўғли Юнус томонидан 1472 йили яна бир қўл остида бирлаштирилди. Юнус муслмон таълимини олган, ҳатто Шарафиддин Али Яздиддан ҳам дарс ўқиган эди. У 1482 йили Сайрамни, 1485 йили Туркистонни босиб олади. Улимидан кейин унинг ўғли Маҳмудхон Шайбонийга Туркистон шаҳрини тақдим қилади (1488 йили) ва бу ҳаракати билан атрофдаги қозоқларни ўзига қарши қилиб қўяди. 1503 йили айнан ўша Шайбонийхон Маҳмудхондан Туркистон ва Сайрамни тортиб олади. Маҳмудхоннинг укаси Аҳмаднинг ўғли Мансур Оқсувга эгаллик қилар эди. Унинг укаси Халил эса Еттисув қирғизлари томонидан ўзларига бошчи қилиб сайланади. Халил ўз укаси Саид билан бирлашиб амакиси Маҳмудга қарши юриш қилади. Маҳмуд қочади ва 1508 йили Шайбонийхон томонидан ўлдирилади. Ака-укаларни Аҳмаднинг ўғли Мансур Алмати ёнида мағлуб қилади. Саид Норин дарёси атрофидаги ўрмонларга беркинишга мажбур бўлади.

Ўз навбатида Мансур қошғарлик Абу Бакрдан Еттисувда енгилб, Қорашарга чекинади, у билан бирга қочган қирғизларга Абу Бакр Иссиқкўл атрофида кўчиб юришга ижозат беради. Ушбу даврда Еттисувда қозоқ хони Қосим ҳам кучайиб, 1512 йили Шайбонийхондан Талас ва Сайрамни тортиб олади ҳамда Туркистон ва атрофини талайди (В. Бартольд, II, 1, 92-б.).

Саид томонидан қирғизларга бошчи қилиб тайинланган Муҳаммад (1515 й.) Туркистон, Туркистон ва Сайрамга тез-тез қароқчилик ҳужуми уюштириб турар эди. У бир марта ҳатто Туркистон шаҳар ҳокими Абдулла (Шайбонийхоннинг амакивачасини) асир ҳам олади, кейин бўшатиб юборди.

Муҳаммад ўз диндошларини талагани учун Саид Эмил Хожа билан бирга унинг устига юриш қилади (1517 й.). Муҳаммаднинг ўз одамлари тутиб беради, уни Қошғарга олиб кетишди ва барча асир тушган қирғизлар озод қилинади.

Қозоқ хони Тоҳир (Қосимнинг жияни) сингилсини Саиднинг ўғли Рашидга беради ва 1524 йили ўз халқи – нўғайлар ва ўзбекларга қарши мўғул хонлари билан битим тузади. Муҳаммад яна ўзбеклар билан алоқада айбланиб, қирғизларни бошқариш тарихчи олим Муҳаммад Ҳайдарга топширилади. Қозоқлар ва қирғизлар бирлашадилар (В. Бартольд, ўша асар, 93-б.).



ҳужумидан безор эдилар) ва 1538 йили қозоқларга қақшатқич зарба берилди.

Лекин қозоқлар тезда ўзини ўнглаб, Қосимнинг ўғли Ҳақназар (қозоқ-қирғиз хони) Рашиднинг ўғли Абдуллатифнинг фақат лашкаринигина енгиб қолмай, ўзини ҳам ўлдирди. 1558 йилдан қозоқлар яна Тошкентга ҳавф сола бошлади. Қирғизлар эса Қошғарга таҳдид солади. Ҳар икки халқ Хитой ва Ғарбий Осиё орасидаги қуруқлик орқали савдо алоқаларини мутлақо узиб қўйди (В. Бартольд, II, 1, 95-б.).

Тоҳирнинг жияни Таваккалхон «1556 йили (энди кучая бошлаган) қалмоқларга ҳужум қилади. Қалмоқларнинг жавоб ҳужуми шунчалик даҳшатли бўладики, Таваккал Тошкентга қочиб, Тошкентнинг мустақил ҳокими Наврўз Аҳмадхондан ёрдам сўрайди.

Наврўз Аҳмадхон бизга ўхшаган ўн хон бирлашганда ҳам қалмоқларни енгиб бўлмайдди, деб жавоб беради. 1594 йили Таваккал Ўрусия подшоши Федорга; ўз тобелигини билдириб элчи юборади. 1598 йили, яъни ўлимидан сал олдин Туркистон, Сайрам ва Тошкент шаҳарларини босиб олади.

Қалмоқлар XVII асрда, айниқса, кучайиб кетади. Улар Хоразм ва Эдил (Волга) бўйларига етиб борадилар. Хунтайчи Батур ва Галдан Бошқотхон даврида қалмоқларнинг босқини энг даҳшатли тус олади. 1681 ва 1683 йилларда Галдан Сайрамга юришлар қилди. 1684 йили Галданнинг лашкарбошичи Рабтан Сайрамни босиб олиб, уни вайрон қилди. 40 йилдан кейин, 1723 йили қалмоқлар (энди узини ўнглаган) Сайрамни Ҷади босиб оладилар. Қалмоқлар бу ерлардан ва Мовароуннахрнинг бошқа жойларидан асир олинганлар (уларни бухороли ёки сартлар дейишган) нинг ёрдамида дехқончиликни ўргана бошладилар. Сартлар ҳатто Хорғос яқинида ҳам ўз шаҳарчасига эга эди (В. Бартольд, ўша асар, 100-б.). 1758 йилги хитойликларнинг зарбаси қалмоқлар ҳукмронлигига узил-кесил зарба беради.

### АҲОЛИСИ

Асбетжоб шаҳри аҳолисининг этник таркиби ҳақида тарихий манбаларда аниқ кўрсатилган ахборотлар жуда кам ёки йўқ даражада. Аммо ушбу шаҳар аҳолиси шаҳар жойлашган минтақанинг ўша давр аҳолисининг ўзгача ёки алоҳида бўлиши мумкин эмас. Миллоддан аввалги асрларда Сайрам ҳавзаси аҳолиси суғудлар эканлиги илм аҳлига яхши аён. Бу ўринда суғуд номи билан яшаш тарзида суғудлардан фарқ қилувчи, аммо келиб чиқиш, ирқ ва тил жиҳатидан жуда яқин бўлган сак, тохар қабилалари ҳам назарда тутилади. Кейинроқ сак, тохар қабилалари туркий ва бошқа қавмлар билан аралаша бошлади. Эрамининг 93-йилига келиб Мўғулистон худудида хунларнинг (энг қадимий туркларнинг – Б. И.) ҳукмронлиги туғди. Бу халқнинг катта қисми Урта Осиё ва Шарқий Туркистонга жойлашди... (Л. Л. Викторова, Монголы, М., 1980, 9-бет). Тарихчилар юзчи, усун, ўғуз деб номлайдиган қабилалар мана шу аралаш этносларга мисол бўла олади. Бу кўчманчи суғуд (сак, тохар)лар билан кўчманчи туркларнинг аралашуви. Аммо бу аралашуш ўтроқ ҳаёт кечириб, дехқончилик ва хунармандчилик ҳамда савдо билан шўғулланувчи суғудлар билан турклар орасида ҳам содир бўлган. Бизни кўпроқ кейинги ҳолат қизиқтира-

ди, бинобарин, бизнинг мавзумиз шуни талаб қилади.

Суғудлар – Турон заминининг энг қадимги аҳолиси. Уларнинг Турон бўйлаб тарқалишини аниқлаш анча қийин. Аммо уларнинг ҳаёт тарзи, касби қори ва интилишидан келиб чиқилса, буни аниқласа бўлади. Биринчидан, қадимий суғорма дехқончилик ерлари ва ипак йўлидаги муҳим шаҳар ва қишлоқлар суғудлар яшайдиган жойдир. Иккинчидан, Хитойдан ипак куртининг олиб келиниши билан суғудлар ипакчилик ишлари билан кенг машғул бўлганлар, шу асосда Туроннинг тут дарахти ўсувчи барча шаҳар, қишлоқлари асли суғуд масканлари бўлган десак, ҳақиқатга анча яқин хулоса чиқарган бўламиз. Баъзи тарихчилар Фикрича, суғудларнинг маркази Самарқанд ёки Шаҳрисабз бўлган. Аммо шуни ҳам ҳисобга олиш кераки, суғудлар ҳеч қачон ягона марказлашган давлат ташкил қилиб, унинг атрофида бирлашган эмас. Суғудна сузи ҳам суғудларнинг ўзи томонидан эмас, балки юнонлар томонидан берилган сунъий атама бўлиб, ҳеч ҳақон бундай давлат бўлмаган.

Ўрта Осиё тарихида асосий савдо йўллари аста-секин жанубдан шимолга силжийди: Лобнор – Нордан – Хўтан – Ёркистон тоғлари ва ундан Афғонистон орқали карвон йўли эраминдан аввалги II асрда хитойлар томонидан кашф қилинган эди (бункича хитой моллари Урта Осиёга Хиндистон орқали келтирилган эди)... Шу билан боғлиқ ҳолда ана шу савдода халқларнинг иштироки даражаси ҳам ўзгариб борган.

Муслмончиликка бўлган даврнинг сўнгги асрларида Шарқ билан Ғарб карвон савдосида воситачилик аста-секинлик билан Эрон ва Афғонистон аҳолисининг суғудлар ва бошқа шимолий халқлар қўлига ўтади. Хитойдан келтириллаган асосий товар ипак эди (В. Бартольд, Сочинения, Т. II, ч. I, М., 1963, 184-б.).

Суғудларни ипак йўлида энг асосий ролни ўйнашлари сифатида қайд қилганларнинг дастлабкиси юнонлардир. Юнон манбаларида эфталитлар ҳокимияти турк ҳокимлиги билан алмашилган, суғудлар хитой ипагини сотиш учун Эронда уриниб кўради, натижасиз бўлган, Византияда уни сотишга ҳаракат қилдилар: суғудлар бу даврда Эрон ҳам, Византия ҳам ўз ипагини ишлаб бошлаганидан беҳабар эдилар. 567 йилги турк ҳокимлигининг Византияга юборган элчилари таркибида суғуд савдогарлари ҳам бор эди (В. Бартольд, ўша асар, 189-б.). Хитой элчиси Вей Цзеннинг суғудлар ҳақида қийматли маълумотини эътиборингизга ҳавола қиламиз: «Аҳоли тўлиқ уста савдогар; бола беш ёшга тўлганда саводини чиқаришга берадилар, ўқишни билгач, савдо ишини ўргатади, фойда олишга бутун халқ катта эътибор беради». 630 йили бутун Урта Осиё бўйлаб юрган будда роҳибни Сюань Цзан Чу сувидан То Темир дарвозагача бўлган (Шаҳрисабз ёнида) ерларни яхлит мамлакат ҳисоблаб уни Сули деб (сули – суғуд) номлайди (В. Бартольд, ўша асар, 190-б.).

Суғудлар тарих майдонидида маълум бўлганидан бери буюк Турондаги иккинчи йирик этнос – турклар билан иттифокда яшган ҳамда тил жиҳатидан ўзига анча яқин бўлган Эрон аҳолиси – форслар билан мунтазам уруш ҳолатида бўлиб келган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида бу жуда яхши акс эттирилган.

(Давоми бор).

»» Обуначиларимиз орасида

## Д. МАННОТОВ: 2025 – БАРАКАЛИ ЯНГИЛИКЛАР ЙИЛИ БЎЛСИН!

Фаол обуначимиз, таниқли тadbиркор, вилоят маслаҳатининг собиқ депутати, Эски Иқон қишлоғининг собиқ ҳокими, Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмасига 2009-2017 йиллар оралигида раҳбарлик қилган Дониш Маннотов «Жанубий Қозоғистон» муштарийларига эзгу ниятларини йўллаб, 2025 йил барча учун баракали бўлишини тилайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ҚР Тўнғич Президенти Н. Назарбаев Эски Иқонга ташрифи чоғида Д. Маннотов бунёд этган «Улуғ қопқа» мажмуасида қадрли меҳмон бўлиб, мевали дарахт кўчатини ўтказганини, фахрий меҳмонлар китобида дастхат қолдиргани шонли тарих. Меҳнат фахрийси, Туркистон шахрининг фахрий фўқароси Д. Маннотовнинг тadbиркор фарзандлари Абдувоҳид, Олимжон ва Одилжонлар қишлоқда боғдорчилик, чорвачилик, деҳқончилик билан шуғулланишди.

– Мустақиллик йилларида кўп хайрли ишлар амалга оширилди. Туркий оламнинг маънавий пойтахти, жаҳон сайёҳлик маркази бўлган кўҳна Туркистон шаҳрига ҚР Президенти Қ. Тўқаев ташаббуси билан махсус мақом берилди. Қўшни Ўзбекистон



билан иқтисодий, маданий алоқаларнинг мустақамланаётганлиги дилга қувонч бағишлайди. 2012 йили Туркистон шаҳри ҳокими Алипбек Ўсербаев қўллови билан Туркистон – Тошкент – Самарқанд – Навоий йўналишида илк бор давлатлараро «Дўстлик қарвони»га ҳомийлик қилганим, 50 нафар туркистонлик фахрий оқсоқоллардан иборат делегация Туркистондаги Қазибекбий, Тошкентдаги Тўлқибий, Навоийдаги Айтекебий ҳамда Самарқанддаги Амир Темур мақбараларини бир сафар давоми-

да зиёрат қилганимизни мамнуният билан эслайман. Жорий йил Қозоғистон халқи Ассамблеяси ташкил этилганига 30, Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги каби тантаналар билан ҳам қадрли, – дейди Дониш Маннотов суҳбат чоғида.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: Д. Маннотов фарзандлари Абдувоҳид, Олимжон ва Одилжонлар билан.



## УСТОЗ ГУЛСИН АЯ – 100 ЁШДА

1925 йили 1 январь кунини Туркистон шаҳрида дунёга келган Гулсин Иброҳимова собиқ Калинин, ҳозирги Ҳамза номли мактабни тамомлаб, меҳнат фаолиятини ушбу даргоҳда кутубхоначиликдан бошлади. Тошкент шаҳридаги Низомий номидаги педагогика институтини тамомлагач, 45 йил мобайнида қадрдон мактабда биология, меҳнат фанларидан дарс берди. Кўплаб муносиб шоғирлар тайёрлади.



Таълим соҳасининг тажрибали ходими, УВУ фахрийси Тожимухаммад Иброҳимов билан оила қуриб, саккиз нафар фарзандни вояга етказишди. Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги нишонланадиган жорий йилда Т. Иброҳимов таваллудига 105 йил тўлади. Фарзандларининг барчаси ўқитувчи. Улар мактаб ҳамда билим юртларида фаолият юритишган.

Каминанинг саъй-ҳаракатлари билан «Унутилмас аждодлар тарихи» китоби чоп этилди. Ушбу китоб Гулсин аянинг 100 йиллик таваллудига бағишланган.

**Қалб тўлқини титратар мени,  
Ҳаяжоним босолмам нечун,  
Она сўзи тебратар мени,  
Табрик сўзин тополмам бу кун.  
Мана бугун улуг айём,  
Юзга кирган онажоним.**

Отам ва онам менинг биринчи ва энг қадрли устозларим. Уларнинг юксак номини, беғараз кўмаги ва ўғит-насихатларини ҳеч қачон унутмайман. 27 неварга, юздан зиёд эвара-чеваралар кўрган пири бадавлат онажонимга сиҳат-саломатлик тилайман.

Илҳом ИБРОҲИМОВ,  
Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раисининг маслаҳатчиси.

Тасвирларда: Ҳамза номли мактаб директори Дилбар Дийметова Гулсин Иброҳимовага ташаккурнома ва ҚР ўзбек ЭМБлари «Дўстлик» ҳамжамиятининг «Дўстлик» медалини топширмақда; Гулсин Иброҳимова умр йўлдоши Тожимухаммад Иброҳимов билан.

Муаллиф суратга олган.

»» Обуначиларимиз орасида

Кураш бўйича устоз-мураббий, меҳнат фахрийси Тойир Тойжонов билан Уранғай қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, тadbиркор Муҳаммаддин Дўсонов хонадонига «Жанубий Қозоғистон» газетаси обунаси яқунларини муҳокама қилиб, режалар белгилади.



Хонадон соҳибининг фарзанди, тadbиркор Дилмурод Муҳаммаддин ўғли билан мулоқотда бўлди. Қишлоқ марказидаги тadbиркор Илҳом Саидхўжаев раҳбарлик қилаётган «Ақ

## ШАҲАРЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎРАНҒАЙ ҚИШЛОҒИДА

жайиқ» савдо марказида унинг фарзанди Хусниддин Илҳом ўғли билан мулоқотда бўлди. Хусниддин қишлоқдаги ўрта мактабни тамомлаб, ИТ ихтисослиги бўйича махсус маълумотга эга. Умр йўлдоши Зайнаб Шўхрат қизи билан фарзанд тарбияламоқда.

Фаол обуначимиз, кураш бўйича кўплаб иқтидорли шоғирлар тайёрлаган, ҳамкасб ва шо-



гирдлари ҳақида китоб ёзган, Абдулла, Абдурайим, Феруза, Алимардон, Алишер исмли қобил фарзандлари қишлоқда масжид бунёд этган марҳум Ирискул Сулаймонов хонадонига ўтганлар руҳига бағишлаб, Қуръон тиловат қилди. Ирискул аканинг умр йўлдоши, мусулмончилиқнинг барча фарзини адо этган ибратли онахон Норхон Абдусамат қизи қадрдон нашримиз равнақиға омад тилаб, дуо қилди. Суҳбатдошларимнинг барчаси Мустақиллик тенгдоши, жорий йили 34 ёшга тўладиган она тилимиздаги «Жанубий Қозоғистон» газетасининг фаол обуначилари сифатида элга ибратли.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: сафардан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

»» Акс-садо

«Жанубий Қозоғистон» вилоят газетасининг 2024 йил 153-154 (3499-3500) сонидан чоп этилган «Қиз ўқиса, халқ ўқийди» мақола-санини диққат билан ўқиб чиқдим. Унда кўтарилган айрим масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларимни баён этмоқчиман.

Дарҳақиқат, мавзу долзарб ва уни фақат ҳамжиҳатликда ҳал қилиш мумкин. Мен 40 йил мактабда ўқитувчи бўлиб фаолият юритдим, айна дамда фахрий хордиққа тайёргарлик кўраман. Ҳаётимни таълим-тарбиядек муҳим соҳага бағишладим. Бугунги кунда қиз бола тарбиясидан ҳам кўра, ўғил болалар тарбиясига ниҳоятда кўпроқ эътибор қаратишимиз зарур, деб ҳисоблайман. Сабаби, улар бўлгуси эр, оила раҳбари, ота, оила таянчи, боқувчиси. Фаолиятим давомида, айниқса, сўнгги йилларда шу нарсага амин бўлдимки, бугунги ўғил болалар тарбияси кўпроқ оналар қўлида қолиб кетган, оталар бу жараёнда деярли иштирок этмапти.

Бир эътибор беринг-а, болалар боғчасига борадиган пайтда ҳам ўғилларни оналар етаклаб олиб келишди, мактабга ҳам оналар олиб боришди, уйда ҳам улар тарбиялашди. Уйланиш чоғида ҳам оналар келин излашди ва ҳоказо. Доим ўғил фақат она билан. Камдан-кам ҳолларда оталар иштироки сезилади. Ҳа, афсуски, шундай. Илгари ўғил болалар отасига уй ишларида ёрдам беришарди,

## ОНАЛАР «БАҒРИДАГИ» ЎҒИЛЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ҚИЙИН



томорқада бирга кетмон чопишарди, машина тузатишарди ва ҳоказо. Кўпинча ота билан ўғил бирга юрганини кўрардик. Ҳозир-чи? Ота-бола бирга ишлаётган уйлар ҳам бордир, лекин кам. Мана шу жиҳат ўғил болаларни ҳақиқий эркак қилиб тарбиялашга ҳалақит бермаётими?! Кейин оналар, оталарга қараганда кўпроқ ўғил фарзандларининг ёнини олишди. Сабаби, ўғилда бўлажак боқувчисини, ҳимоячисини кўради. Кексайганда, ахир қизлари билан эмас, ўғиллари билан бирга қолишди-ку.

Масалан, мактабда ўқувчи болалардан бирортаси ноҳуя иш қилиб қўйса, илгари пайтларда ўқитувчи бемалол жазолай оларди. Яъни, қойишга, тергашга, директор хонасида танбех бериш ва қатъий чора кўришга ҳам журъат эга оларди. Ҳозир шу нарса йўқ. Синф раҳбари бўлиб қанча ўқувчилар билан ишладим. Бугунги давр ўқувчилари, ниҳоятда асабларимни чарчатди. Хусусан, авваллари синфдаги ўғил болаларнинг сочларини ҳар доим назорат қилиб, ўсиб кетса, чиройли қилиб, қирқиб

келишларини тайинлардим. Кечиктирмай бажаришарди. Ҳозир буни айта олмайсиз, дарров оналари келиб жанжал кўтарарди. Сочлари қизларнига ўхшаб бўйнига, пешонасига тушган ўқувчиларимиз қанча...

Илгари мактаб либоси ҳамма учун бир хил эди. Шуни қатъий текширардик, ҳозир ёпишган тор жинси шимда ҳам дарсга келардилар. Танқид қилсак, оналари келиб уришарди, директор хонасини суд залига айлантириб олишарди. Бу бола шахсиятига тегади дея, устингиздан шикоят ёза бошлади. Директор хонасидан мулзам бўлиб чиқиб, асабингиз қақшаб турганда, яна ўқувчиларнинг пичинглари ортиқча. Ахир, оналари бу воқеани уйда, бола-чақаси олдида бемалол муҳокама қилади, ўқувчи боласи эса уни бутун синфга етказди ва шу тариха устознинг обрўсини туширишга ҳаракат қилади. Илгари мактаб раҳбарияти кўпинча ўқитувчининг ёнини олиб, ота-оналар олдида ходимнинг обрўсини туширмасди. Ҳозир бу «халоскорлик ҳолати» ҳам йўқолиб бормоқда...

Хуллас, мана шундай салбий жараёнлар кўпайиб бораётган экан, мукамал тарбия иккинчи даражали

масалага айланади. Мактабда ўқитувчи беобрў бўлса, у қандай қилиб етук шахсни тарбиялайди?

Яна бир муаммо. Уяли телефон, дарҳақиқат, бошимизга битган бало бўлди. Дарсга ҳалақит беради, таълим сифатини туширади. Бироқ, қани, олиб кўринг-чи, дарс пайтида... Уддасидан чиқа олмайсиз. Ота-оналар ҳам келиб-келиб, айна дарс чоғида болаларига телефон қилишди. Тамом, ўқувчининг фикри чалғийди, сабоқ қулоғига кирмайди. Қаттиқроқ гап айтадиган бўлсангиз, дарҳол видеотасвирга тушириб, интернет тармоқларига жойлашди. Ёшинг бир жойга келганда, эл-юртга шарманда бўлиш хавфи ҳам бор...

Уяли телефонлардан фойдаланишни тақиқлаш ёки чеклаш қоидалари ишламас экан, мактабдаги тартиб-интизом ҳақида гапиришнинг ўзи бекор. Унинг ёшлар маънавиятига, саломатлигига етказадиган зарарини айтмасам ҳам, ҳамма билади.

Хулоса шуки, ўғил бола тарбиясига оталарни кўпроқ жалб этишимиз керак. Уларнинг қатъияти ва талабчанлиги ҳозир ниҳоятда керак, сув, ҳаво қадар зарур!

Собира АЛИЕВА.

Директор – Бош муҳаррир  
Райимжон Ортиқбой ўғли  
АЛИБОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
Муроджон АБУБАКИРОВ,  
Авазжон БУРОНБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.  
Кенетов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.  
Қазигурт – Хуршид ҚўЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.  
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90  
Тулқибой – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.  
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97  
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

«Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.  
«Фондация» мақола ва эълонларга эътибор берилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.  
KZ34VRY00022503 сувоҳнома берилган.

«ERNUR» ширкати МББ Ўзбекистонда чоп этилди.  
Шимкент шаҳри, Т. Айтматов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,  
Тауке хан шохқўчаси, 6-уй, 3-қават.  
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11500 нусха.

Биринчи  
24

Набатчи муҳаррир: Хуршид ҚўЧҚОРОВ.